



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 3 август
пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 149 (2446)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари —
Ўзбекистон Республикаси Молия вазири —
Умумиқтисодий комплекси раҳбари
этиб тайинлаш тўғрисида**

Рустам Содикович Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазири — Умумиқтисодий комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 1 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Т.Холтаевни Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари —
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири — Агросаноат
комплекси раҳбари этиб тайинлаш
тўғрисида**

Туроп Холтаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири — Агросаноат комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 1 август.



КОЛЛЕЖЛАР — ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ ДАРГОҲЛАРИ

Мамлакатимизда келажакимиз ворислари — ёшлар таълим-тарбиясига, уларнинг маънавий баркамол, жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб ўсишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда ҳар йили ўнлаб замонавий ўқув даргоҳлари, яъни

коллежлар қурилиб, ишга тушириляпти. Бу йил ҳам юзлаб талабалар шундай масканларда янги ўқув йилини бошлайдилар. Самарқанд шаҳрининг Боғишамол туманида қад ростиётган 600 ўринли майиш хизмат коллежи — шунлардан бири. Уни «Самарқанд уйи» жойқурилиш-жамғарма» ишлаб чиқариш бirlашмаси бунёдкорлари жадал барпо этмоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан) қурилиш бирлашмаси бошлиғи Талъат Солиев ва бетончи Шомирза Акромов иш сифати хусусида фикрлашмоқдалар.

Нўрможинов
МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида

“Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва республика бозорларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, бозорларни монополаштиришга уринишларга йўл қўймаслик, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи монополияга қарши тартибга солиш тизимини такомиллаштириш мақсадига, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

- республикада соғлом рақобат муҳитини яратиш учун зарур ташкилий, иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни, мустақкам ҳуқуқий ва мувофиқлаштирувчи марказ функцияларини амалга ошириш;
- бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи рақобат қонуний, умумий қабул қилинган нормалар ва қондаларни самарали амалга оширишни таъминловчи монополияга қарши тартибга солишнинг қули тизимини барпо этиш;
- инфофиз рақобатчилар томонидан товар ва молия бозорларини, биринчи навбатда, истеъмол товарлари бозорларини монополаштириш юзасидан ҳар қандай уринишларнинг олдини

- олиш, уларни чеклаш ва уларга барҳам бериш;
- монополиядан чиқариш бўйича республика, тармоқ ва минтақавий дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштириш;
- монополияга қарши қўнунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши, шунингдек, ўз ваколати доирасида табиий монополиялар субъектлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
- монопол бирлашмалар (корхоналар)нинг Ўзбекистон Республикаси Давлат ресурсларини юритиш;
- реклама ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қўнунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;
- истеъмол товарлари нархлари мониторингини ўтказиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликда нархларнинг асосий равишда ўсиб кетишига, ички бозорда сифатсиз истеъмол товарлари сотилиши ва хизматлар кўрсатилишига олиб келувчи инфофиз рақобатнинг олдини олиш чора-тадбирларини қириш.

3. Белгилансинки, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси

нинг худудий органлари ҳисобланади:

- Қорақалпоғистон Республикасида — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирилик ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳрида — вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия божқармалари ҳузуридаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий божқармалари.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорларни вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият органлари, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчилик шаклларида қатъий назар ҳўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига қуйидаги

ҳуқуқлар берилсин:

- монополияга қарши қўнунчилик ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қўнунчилик ҳужжатларини бузаётган давлат божқаруви органларига, жойлардаги ҳокимият органларига, ҳўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек, давлат тўғрисидаги қўнунчилик ҳужжатларини бузаётган давлат божқаруви органлари ва жойлардаги ҳокимият органлари мансабдор шахсларига қўнунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда жарималар солиш;
- монопол фаолият, истеъмолчилар ҳуқуқларини ва реклама тўғрисидаги қўнунчилик ҳужжатларини бузиш натижасида асосий олинган маблағларни (даромад, фойдани), шунингдек, солинган пеняни ҳўжалик юритувчи субъектлардан қўнунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- фуқароларнинг уларнинг истеъмолчилик ҳуқуқлари поймол қилиниши ҳақидаги аризаларни ва шикоятлари бўйича бу ҳуқуқларни бузган корхоналар ва ташкилотларни (уларнинг молия-ҳўжалик фаолияти бундан мустасно) Назорат органлари фаолиятини

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2000 йил 2 август.

Эътироф МУСТАҚИЛЛИК — МУҚАДДАС НЕЪМАТ

Биз кунма-кун Истиқлолнинг 9 йиллигига яқинлашмоқдамиз. Буюк шоир Чўлпоннинг «Бўйин эгма, кишан кийма, ки сен ҳам хур тугилгонсен», — деган оташин сатри 9 йил давомида юракларимизда улғайди. Ниҳолдан чинорга айлана бошлади. Юртдошларимиз бу ҳақда меҳр билан сўзлайдилар.

**Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири:**
— Мустақиллик, энг аввало, руҳимни қайтариб берди. Қолаверса, тилимни, динимни, миллатимнинг фахри бўлган буюк аждодаларимни қайтариб берди. Баъзи одамлар ҳамон мустақилликни осмондан тушди деб уйлашадди. Гўёки худди шундай бўлиши керакдек. Мустақиллик — улғу неъмат, муқаддас неъмат. Президентимиз айтганларидек, одамлар ҳам мустақилликка муносиб бўлиши керак. Мустақилликнинг қадрига етмасак, фарзандларимизга жабр қилган бўлаемиз. Мустақилликни ҳимоя қилиш деганда, мен аввало, ўз номусим, ориятим, фарзандларим, онам, сингилларимни ҳимоя қилиш деб тушунаман.

**Султонмурод ОЛИМ,
республика «Маънавият ва маърифат»
маркази раҳбари муовини:**
— 1991 йил августининг сўнги ўн-ўн икки кунли мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги туб бурилиш нуқталари бўлган. Президентимиз ҳеч иккиланмай мамлакат озодлигини эълон қилганлари фақат XX асрнинг эмас, балки халқимиз тарихининг энг буюк саҳифасидир.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, 31 август куни кечқурун 1-ТошМИ кафедраси мудири Муҳаммадшариф Сафаров кўнгирак қилаяпти: «Эртага биринчи соатда мустақиллик дарсини бирга ўтасак...» Шунда биринчи курс талабаларига ҳавас қилганман: улар олий мактабдаги таълимни хур, мустақил, озод Ватанда хур, мустақил, озод сўз билан бошладилар.

Хозир ўғилларимга ҳавасим келади. Уларни ҳеч қим чекламайди. Улар бировнинг иккинчи бировга қарамлигини тушунса-тушунар, лекин ҳеч қачон бир халқнинг иккинчи халққа, бир давлатнинг иккинчи давлатга тамоман қарамлигини тасаввурга келтиролмайди...

Шўро замонининг истибод даври эканлиги шунда эдики, у замонда «мумкин» деган руҳатдан кўра «мумкин эмас» деган чеклов кўпроқ эди. Чекловни кўп бўлган жамиятда тараққиёт кишанланган бўлади.

Истиқлол, демократия ана шу кишанларни ечиш йўлини очиб берди.

Шўро замонида давлат фаол, инсон нофаол эди. Бирок инсонни фаоллаштириш бирдангина ҳал бўлиб қоладиган масала эмас. Мустақилликнинг ҳар байрамини одамларимиз тобора фаоллашадиганининг тантанаси деб ҳам қабул қиламан.

Мустақиллик кўни ҳар биримизни фикрлашга ундаган билан ҳам энг азиз, энг улғу байрамимиздир.

**Маъмура ЭРҒАШЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти, хизмат
кўрсатган «Баҳор» давлат ракс ансамблининг
бадий раҳбари:**
— Истиқлол туйғайли кимлигимиз, кимларнинг фарзанди эканлигимизни англаб етиш бахтига эришдик. Бир нарсга ҳеч эсимдан чиқмайди. 1979 йили Америкага гастролга борганимизда ўша ерда яшайдиган ватандошимиз бизни уйига таклиф қилган. Биз... боролмаганимиз, тўғривоғи, руҳсат беришмаган. Чет элларда бизни СССРдан келган санъаткорлар деб таништиришарди.

Бугун эса ўзбеки ва Ўзбекистонни бутун дунё танийди. Мустақиллик берган ўзини англаш саодати шу-да, ахир!

**Турсунали КЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Бадий академияси раиси:**
— Мустақиллик бизнинг мудроқ руҳимизни уйғотиб юборди. Хўрлик ва эркинлик лаззатини ато этди. Одамдек яшай бошлашнинг ўрғиди. Бизга шундай имкониятлар берган Истиқлол шабадалари эсиб турган, гўзал Ўзбекистонни гўдак фарзандимиздек, кекса ота-онамиздек парваришлаб, бегона кўзлардан, ёмон нафаслардан асраш ҳам фарз, ҳам қарзимиздир. Зеро, Ватанимиз озод қўрмак илҳижда жон берган Махмудхўжа Бехбудий айтганидек «Ватан муқаддасдур. Қадрин билмоқ керак. Сотмасга ва улғунча айрилмасга керакдур...»

**«Халқ сўзи» мухбири Г. ЙЎЛДОШЕВА
ёзиб олди.**

Иўқлама



ХОРАЗМ

— Вилоятнинг катта майдонлардаги боғлари ю, полизларида, тоқзорларида мева-сабзавот, узум бу йил мўл бўлди. — деб маълум қилади мухбиримиз Сотим АБАЗ.

— Вилоятнинг катта майдонлардаги боғлари ю, полизларида, тоқзорларида мева-сабзавот, узум бу йил мўл бўлди. — деб маълум қилади мухбиримиз Сотим АБАЗ.

кўп эмас. Фермер хўжалиқларидаги ахвол бундан яхши деб бўлмайди.

Хусусий секторда уюшқоқлик етишмаётган бўлса, юридик шахслар ишни йўлга қўйиб олишгандир, дегирис.

Умуман олганда, 237 тонна қовун-тарвуз, 81 тонна пивё, 16 тонна булғор қалампир, 28 тонна помидор, 22 тонна олма ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди.

Вилоятдаги жамоа ҳамда ширкат хўжалиқлари ҳам ҳўл мева ва сабзавот маҳсулотлари чет элларда сотишга киришдилар.

— Хўл мева ва сабзавотларимизни Саратов, Свердловскка олиб борамиз, — дейди хўжалик экспедитори Дусиммат Каримов.

Мева-чева ни мамлакатимиздан ташқарига экспорт қилиш август ойида янада қизитилиши табиий.

— Божхона ходимлари ҳам раҳмат, — дея унинг гапини давом эттирди У. Отажонов.

— Сиратдан караганда Наманганда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти меёрдагидек кўринади.

Сиратдан караганда Наманганда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти меёрдагидек кўринади.

Шу кунларда мамлакатимизнинг қайси гўшасига борманг, ҳамма ерда фарк пишиқчилик.

НОЗ-НЕЪМАТЛАР — ЭКСПОРТГА

Бу борадаги ҳукумат қарорини жойларда бажариш йўлидаги ютуқлар, уфқлар ва тўсиқлар ҳақида «Халқ сўзи» мухбирлари хабар қилишади



ЖИЗЗАХ

— Сир эмас, ҳар йили бу пайтда деҳқон ўзи етиштирган мева-сабзавотини қандай расамат қилишни йўлаб боши қотарди.

— Сир эмас, ҳар йили бу пайтда деҳқон ўзи етиштирган мева-сабзавотини қандай расамат қилишни йўлаб боши қотарди.

шаҳриди. Чимкент вилоти тез кунда у ердан электр энергияси оладиغان бўлади.

Шу кунлик Чимкентдаги Савдо уйига Арнасой, Бахмал, Фаллаорол, Дўстлик туманлари тайёрловчилари ҳозирлаган 250 тонна мева-сабзавот юборилаётган бўлди.

Кейинги кунларда вилоятдан жисмоний шахслар томонидан четга чиқарилаётган мева-сабзавотлар ҳамма тобора кўпайиб бораётгани ҳам қувончлидир.

меҳсулот чиқарилмаганлигини қандай тушуниш мумкин? Мазкур идоралар раҳбарлари билан бир неча бор бу хусусда суҳбатлашдик.

Вилоят «Мева-сабзавот» бирлашмаси раиси ўринбосари Аҳрор Хазратовни вилоят ҳокимлигида учратганимизда, бошқарма Комсомолск-Амур шаҳри билан 75 миң долларлик шартнома тузган.

НАВОИЙ

Вилоятда хўл мева ва сабзавот маҳсулотлари экспорти сулғингани сабаби нимада?

Неъмат ШОКИРОВ, «Мева-сабзавот» вилоят бирлашмаси бошлиғи:

Вазирлар Маҳкамасининг қароридан бизга жуда катта имкониятлар яратилганлигидан хабарим бор.

Рустам ХУЖАМУРОДОВ, шу бирлашма ташқи иқтисодий алоқалар ва маркетинг бўлими бошлиғи:

Тизимимизда 6 та хўжалик, 4 та савдо-сотиқ тармоғи фаолият кўрсатади.

Яна бир муҳим гап. Далаларимизда етиштирилган мўл ҳосилини ўз вақтида четга юбориш, ҳамкорлар билан хўшкор-китобини амалга ошириш эҳтилки ва ташаббускорликни талаб қилади.



Вилоятда хўл мева ва сабзавот маҳсулотлари экспорти сулғингани сабаби нимада?

Неъмат ШОКИРОВ, «Мева-сабзавот» вилоят бирлашмаси бошлиғи:

Вазирлар Маҳкамасининг қароридан бизга жуда катта имкониятлар яратилганлигидан хабарим бор.

Рустам ХУЖАМУРОДОВ, шу бирлашма ташқи иқтисодий алоқалар ва маркетинг бўлими бошлиғи:

Тизимимизда 6 та хўжалик, 4 та савдо-сотиқ тармоғи фаолият кўрсатади.

Хўжалик раҳбарлари, фермерлар, барча тадбиркорлар диққатига! МЕВА-САБЗАВОТНИ КўЗЛАНГАН МАНЗИЛГА ЕТКАЗИШ КЕРАКМИ? ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ!

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компаниясининг Бош фрахт агенти — «ЎЗБЕКТЕМИРЙЎЛЭКСПЕДИЦИЯ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилда хўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ижчил бажарилишига хисса қўиши мақсадида хўл мева-сабзавотларни ва консерва маҳсулотларини МДХ мамлакатлари темир йўллари орқали Хамдўстликнинг исталган нуқтасига етказиб бериш бўйича экспедиция хизмати кўрсатишнинг барча турларини адо этмоқда.

«Ўзбектемирйўлэксぺдия» давлат корхонаси сизларга қуйидаги хизматларни тақдир этяди:

«Ўзбектемирйўлэксぺдия» давлат корхонаси «VISA» картчаси бўлган мижозлардан хоризжий давлатлар ҳудудида юкларни ташини ҳақини эркин муомаладаги валютада қабул қилади.

Ўзбекистон ҳудудида барча тез бузиладиган юкларни ташини тарифларга кўра қуйидаги чегирмаларни татбиқ этяди:

«Ўзбектемирйўлэксぺдия» давлат корхонаси «VISA» картчаси бўлган мижозлардан хоризжий давлатлар ҳудудида юкларни ташини ҳақини эркин муомаладаги валютада қабул қилади.

Бизнинг офис «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компаниясининг Тарас Шевченко кўчаси, 7-уйдаги биносида жойлашган.

Вилоятда хўл мева ва сабзавот маҳсулотлари экспорти сулғингани сабаби нимада? Мухбиримиз Абдуваҳоб ПИРМАТОВ бу саволга мутасадди раҳбарлар фикрларидан жавоб излади.

Мулоҳаза

Президентимиз Ислон Каримов «Fidokor» газетаси муҳбири билан суҳбатда миллий ғоя ва миллий мафқура...

моқда. Ислон оламнинг энг Раббада яшаган буюк Ибн Рушдни қўя турайлик...

Дарслик таркиби уч қисмдан иборат бўлган маъқул. Биринчи қисми шартли табиат фалсафаси...

БИЗГА ҚАНДАЙ ДАРСЛИКЛАР КЕРАК?

бий қисми — тарбиянинг янги концепцияси шу пайтгача аниқ тизимга келтирилмаган...

нинг ҳам атоқли файласуфлари асарларини таржима қилиш бўйича қўйилган вазифа нисбатан катта аҳамият касб этмоқда...

«Табиат — жамият — инсон» силсиласи ички ўзара қатъий боғланган...

Абдурахим ЭРКАЕВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

ФАРЗАНД ЖОНГА ОРО КИРСА...

ЭЪТИҚОД

Фарзандим — баҳтим, тожи-тахтим, зуррийдим, эртанги куним, дейди ота-она...

Аликул ЭРГАШЕВ — «Шўрчи нон» ҳиссадорлик жамияти раиси: — Одилисми ўғлим корхонамизга келиб...

Шароф МУХАММАДИЕВ — Жарқўрғон тумани, хизматчи-эйли: — Американинг Ситин Хиллер дорилфундида ўқитиб...

қимкат. Оила даврасидаги суҳбатларимиз маъноси ҳаммаи ана шундай ҳаёт ҳикматлари ҳақида бўлади...

Балиқ мўл бўлади

Навоий вилояти «Балиқчилик» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳозиргача 500 тоннадан зиёд балиқ овлаб...

Ишбилармонлар учун технологиялар

Бухорода Ўзбекистонда ва чет элларда ишлаб чиқарилган мини-технологиялар, усқуналар ҳамда маҳсулотлар...



ШАРОИТ СОЗ БЎЛГАЧ...

Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекстиль» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти йилгига 2000 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга...

ИШСИС ТАДБИРКОР ИШСИС БЎЛИШИ МУМКИНИМИ?

Қашқадарё вилояти «Уфғ» бизнес инкубатори раҳбарияти «за, мумкин» дейишмоқда. Шунинг учун ҳам...

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида мудири лавозимидан озод этилди

Бухоро вилояти-нинг Вобкент туманида истиқомат қилувчи фуқаро Гулнора Қудратова тахририда янги ёзган мактубида айрим шифокорлар фаолиятини янги бағрига...

Шикоят хатида юз берган ҳолат Вобкент тумани марказий шифонасининг кенгайтирилган тиббий кенгашида муҳожима қилинди...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тўсови меърири ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил 24 июлдан 29 июлгача бўлган маълумот)

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар бўйича ҳар бир ҳафта...

Унда айтилишича, Г. Қудратовнинг хати

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идора-меърири ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимида қўйилган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, шу йил кузда муқаддас ислом динимизнинг етук намоёндаларидан бири, ислом қонунчилиги пойдеворини яратган аллома Бурхониддин ал-Марғиний таваллудининг ҳижрий 910 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Халқимиз ва мамлакатимизга шараф келтирган мутафаккир олим жаҳон халқларининг маънавий-диний тараққиётига, илм-фан равнақиға улкан ҳисса қўшган.



Бурхониддин ал-Марғиний 1121 йилда ҳозирги Риштон туманида туғилган. Риштон ва Марғилонда дастлабки билимини олиб, кейинчалик Самарқанд ва Бухорода ўқини давом эттирган. Унинг авлодлари қонуншунослар сифатида элга танилган эдилар. У ҳам оилавий аъёнага содиқ қўлиб фикр илмини кун билан ўрганди. Унинг етук олим бўлиб етишишида фахруллода истеъдод эгаси бўлган, имом Баҳоуддин Али Аббасийнинг синглири ўз даврининг буюк алломалари қўлида тахсил олган, Ҳанафий мазаҳиба мансублиги асосий олимлар бўлди. Риштон қўлишларида, Самарқанд ҳукмдори ўз аъёнлари билан сафарга чиққанида намоз вақти яқинлашиб, масжидга кирди. Масжид имом-хатиби Бурхониддин ал-Марғинийнинг намозни қисқартириб ўқиди. Ҳукмдор бунинг сабабини сураганда ул-зот «Сафардаги одамлар шояндадилар, вақтлари ўлғоғлик бўлади, шунинг учун уларга намозни қисқартириб ўқишга руҳсат этилган» деб тушунтирдилар. Меҳмон ва мезбон шариат ва унинг қоидалари ҳусусида қизгин суҳбат қурдилар. Ҳукмдор мезбонни Самарқандга олиб кетмоқчи бўлдилар. «Кандай бўларкин, бу ерда менинг қариндош-уруғларим, ҳамқишлоқларим бўлса, уларни ташлаб кетолмайман» дейдилар. Шунда ҳукмдор у кишини қариндош-уруғлари билан Самарқанднинг ҳозирги Регистон майдонига туташ «Бех-деҳ» маҳалласига кўчириб келтириб, жойлаштирдилар. Шу мақсадда алломанинг ҳужжин ва самарали фаолиятлари бошланади.

ИНСОНИЯТ МУЛКИ

рнинг муқаддимасида шундай деб ёзганлар: «Ешлик чоғларидеда фикр илмининг барча турларини ичига қамраб олган ҳамми кичик, режаси кенг бир китоб бўлса, деб ўйлаб юрамдиму. Узок сафарлар жараёнида Кудурий қаламига мансуб «ал-Мухтасар»ни энг гузал мўъжизали аjoyиб китоб, деб топдим. Яна, замоннинг барча буюк олимлари катта кучини «Ал-Ҳимм» урс-ага китобини ўрганишга чорлаганини кўриб қўлингизнинг гувоҳи бўлдим. Ушунда хар ихкала асарни бирлаштиришни ўз олдимиға мақсад қилиб қўлиб, зарурат сезилмаган чоғда улар чегарасидан чиқмаслиққа қарор бердим ва уни «Бидоят ул-муфтад» деб атадим. Агар бу асарни шарҳлашга эришсам уни «Кифоят ул-мунтаҳий» деб атагумдир. Аллома ўн ил рўза тутиб бу кутлуг ишни амалга оширди.

Улуг алломанинг бутун мусулмон дунёсидеда эътироф этилган ва ҳуқуқ бўйича асосий манба ҳисобланган «Ҳидоя фи-фуйх ал-фиқх» («Фикх соҳалари бўйича қўлланма»), халқ ўртасида «Ҳидоя» номи билан машҳур асари 1178 йилда Самарқандда ёзилган. Мазкур асар тўрт жилд, 56 бобдан иборат. Биринчи жилд покланиш, намоз, рўза, закот ва ҳаж, иккинчи жилд оила ҳуқуқи, ҳудуд жазолари, халқаро ҳуқуқ меъёрлари, вақф ҳуқуқи масалаларига, учинчи жилд суд ва суд жараёни, туртинчи жилд деҳқончилик ва ер муаммолари, жиноят турлари, гувоҳлик ва бошқа мазмуларга бағишланган.

мамлакатларида, Марказий Осиё давлатлари, Туркия, Хиндистон, Покистон, Бангладеш, Хитой мусулмонлари орасида севиб ўқилади.

Шарқнинг қонуншунослари аллома Абдулқасим Лакнавий шундай деб ёзган: «Имом ал-Марғинийнинг фақиҳ, Қуръон ҳофизини, муҳаддис, мусофир, барча илму фанни ўрганиб ўзлаштирган иқтидорли устод, муттаҳий, нияҳтада зуқко ва синчков тадқиқотчи ва пок инсон бўлган. Илму адабда мисли кўрилмаган адиб ва шоир, илм ул-хилоф ва маъбада юксак салоҳиятга эга бир зот эди».

Бурхониддин ал-Марғиний 74 йил умр кўрди. У ислом оламидаги ута машҳур қабристонлардан бири — Самарқанддаги Чоқардиза қабристонига дафн этилган.

Тарихчи Абул Ҳаким Самарқандийнинг «Қандай» китобида ёзилишича, бу ерда ислом олимларини тўрт мингдан ортук алломалари, сайийдилари, муфтийлари абадий кўним топанлар. Уларнинг хар бири диний-дунёвий илмларда, довурукли зотлар сифатида Шарқу Фарбад эъзоз-эътиборда бўлганлар. Чоқардизанинг турпосини подшоҳлар ва алломалар кўзларига тўтиб қилиб суртганлар.

Халқимиз тинимсоғига айланган аллома Бурхониддин ал-Марғинийнинг янги жамият барпо этишишида, маънавиятимизни юксалтиришида, ўзлигимизни торан ҳис этишимизда бизга доим сафдош ва маслаҳаддор. Унинг бебаҳо меъроси инсоният мулғига айлангандан ифтихор қиламиз.

Мирза Анар КАРИМОВ,
тарих фанлари номзоди.



губоҳлик ва бошқа мазмуларга бағишланган.

«Ҳидоя» форс, инглиз, турк, рус, татар тилларига таржима қилинган. Бурхониддин ал-Марғинийнинг мазкур шоҳ асари билан буюк қонуншунослар, назариётчи ва амалиётчи олим эканлигини намоиш этиди. «Ҳидоя» ҳозир ҳам диншунослар, ҳуқуқшунослар, жамиятшунослар, ватан тарихи ва шариат билан шуғулланувчи барча мутахассислар учун бебаҳо қўланмадир. «Ҳидоя» Ҳанафий мазаҳи тарқалган бир қатор араб давлатларида, Африқанинг айрим

ИСТИҚЛОЛ — РАССОМЛАР ИЖОДИДА

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ва Ўзбекистон Бадий академияси биргаликда Ўзбекистон мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишлаб сўнгги йилларда яратилган энг сара тасвирий санъат асарларининг кўчма расмлар галереясида ушбу кўчма кўргазманинг биринчи очилиш маросими бўлди. Унда атоқли расмлар, санъатшунослар, маърифатпарварлар, республика, вилоят, туман ва шаҳар жамоатчилигининг вакиллари ҳамда тасвирий санъат мухлислари фаол қатнашдилар.

Кўчма кўргазма томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда. **Феруза САЙДАМАТОВА,** республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими.

«Азиз юртдошлар! Ёшун маблағларингизни фарзандларингиз истиқбол учун кўпайтириш ишончидан фойдаланинг!»

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ «ГАЛЛА-БАНК»

«Соғлом аълоғ йиш»га Сизларга қўйидаги мақсадли ва мўъжизали омонат турини тақлиф қилишдан мамнулигини билдираду. Сиз фарзандиниёз номига қўйидаги омонат турини жамғарма қўйишиниёз мумкин:

1 ойдан 7 ёшгача бўлган болалар учун — «7 х 25» омонат тури;

-1 ёшгача бўлган фарзандингиз номига 8000 сўм қўйсангиз, банк томонидан яна 25% қўшилиб, 10000 сўмлик омонат дафтари орасида ва фарзандингиз етти ёшга тўлганда унинг ҳисобида 32000 сўм маблағ тўпланади.
-1 ёшдан 2 ёшгача бўлган фарзандингиз номига 16000 сўм қўйсангиз, банк томонидан яна 25% қўшилиб, 20000 сўмлик омонат дафтари орасида ва фарзандингиз етти ёшга тўлганда унинг ҳисобида 55200 сўм маблағ тўпланади.
Шу тариқа 6 ёшгача бўлган болалар учун омонат қабул қилинади.

Республикамизнинг барча фуқаролари учун мавжуд юқори даромадли:

- 3 ойлик - йиллик 40%,
- 6 ойлик - йиллик 42%,
- 9 ойлик - йиллик 42,6% ва
- 1 йиллик - йиллик 40% миқдорида даромад тўланувчи муддатли омонат турларига жамғармалар қабул қилинмоқда.

Республикамиз мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан барча фуқароларга байрам тўхфаси сифатида — «ИСТИҚЛОЛ-9» омонат турини тақлиф этади:

- ушбу омонат фақат 2000 йил 26 августга қабул қилиниб, 5 ой сақланади, омонатнинг энг кам миқдори 10000 сўм бўлиб, республикамизнинг барча фуқаролари номига қўйилади ва банк томонидан:
- ойига 3,9 фоиздан ҳисобланиб, хар ойдан сўнг қўшилган фойз суммасини бериш ёки
- ойига 4,1 фоиздан жавоб бўйича 5 ойдан сўнг қўшилган фойзини бир йўла омонат суммаси билан бериш кафолатланади.

Бундан ташқари, яна барча фуқаролар учун мўлжалланган:

- КАПИТАЛ - III 1- йиллик омонат тури, йиллик 42% миқдорида даромад тўланади ва хар 3 ойда қўшилган фойз даромадини,
- КАПИТАЛ - II 2- йиллик омонат тури, йиллик 52% миқдорида даромад тўланади ва хар 6 ойда қўшилган фойз даромадини,
- КАПИТАЛ - I 3- йиллик омонат тури, йиллик 60% миқдорида даромад тўланади ва хар йилда қўшилган фойз даромадини бериб борилиши кафолатланган муддатли омонат турлари жорий этилганлигини ва унга жамғармалар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз.

Жамғармангиз фаровон ҳаётингизга насиб этсин!

Омонатларнинг шартлари ва барча қизиқтирган саволлар бўйича қўшимча маълумотлар билан «Галлабанк»нинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маркази ва туманларда фаолият кўрсатаётган бўлиналарида танишишингиз мумкин.

Маълумот учун манзил: 700060, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 36. Телефонлар: (3712) 133-71-72, 136-38-29, 56-22-65.

Омонатларингиз тўғрисидаги маълумотлар амалдаги қонунчилик асосида сир сақланиши тўла кафолатланади.

«ЮНИСЕФ»НИНГ ТОРТИФИ — ТЕАТР

Нукусдаги «Тараққиёт» тил ўрганиш маркази ҳузурида ёзғи театр биноси очилди. Уни нукуслик болаларга халқаро «Юнисеф» ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси тортиқ қилди. Қисқа муддатда

қурилган аjoyиб маданият масканининг очилишида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Т. Камолов, «Юнисеф» ваколатхонаси вакиллари қатнашди. **Я. ҚўЧҚОРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

СИЗНИНГ ЙЎЛБОШЧИ

КОНИКА 1212 НУСХА КЎЧИРИШ АППАРАТИ

A5 дан A3 ҳажмигача бир доққида 12 нусха, ZOOM режими — 60-156%, кўп ёлган узатиладиган кўп қаламли лоток

Тел.: (998-71) 137-48-68.

UNESCO-UNFPA PROJECT VACANCY

UNESCO IS LOOKING FOR A SUITABLE PERSON TO WORK AS ASSISTANT TO NATIONAL PROJECT CO-ORDINATOR FOR A UNFPA/UNESCO PROJECT ON "INFORMATION, COMMUNICATION, EDUCATION (IEC) AND POPULATION POLICY SUPPORT TO REPRODUCTIVE HEALTH PROGRAMMES IN UZBEKISTAN". THE POST IS LOCATED AT TASHKENT.

THE CANDIDATE SHOULD BE ABLE TO UNDERSTAND, CONVERSE, PREPARE REPORTS AND DO CORRESPONDENCE IN ENGLISH, UZBEK AND RUSSIAN. WORKING EXPERIENCE WITH MEDIA/SOCIAL OR MEDICAL RESEARCH INSTITUTIONS AND ABILITY TO ORGANIZE WORKSHOPS AND TRAINING ACTIVITIES IS NECESSARY.

PLEASE CONTACT **UNESCO TASHKENT OFFICE** (ADDRESS: -4, T. SHEVCHENCO STREET, TASHKENT, UNDP offis, Ph: 139-14-62 ALONGWITH CURRICULUM VITAE UP TO 25th AUGUST.

ТУНДА ҲАМ КУНДУЗГИДЕК КЎРАДИ

Хитойнинг Хуан вилоятида истиқомат қилувчи Чан Сунфа кечаси ҳам худди кундузгидек кўриш қобилиятига эга. Бироқ кўпчилик бунга ишонмасди. Мамлакатнинг машҳур шифокорларидан иборат комиссияси ноёб қобилиятли деҳқонни текширишдан ўтказиб, шундай хулосага келди: «Дарҳақиқат, Чан Сунфа кечаси ҳам худди кундузгидек юз фойз кўра олади».



БАЙРАМГА АТАЛГАН КАБОБ

Бельгиялик ошпаз Жильен Клейс халқ оғзаки ижоди байрамига атаб жуда узун кабоб тайёрлади. Кабоб сихининг узунлиги 225 метру 30 сантиметр келади. Кабобни тайёрлашда 1600 кило гўшт ҳамда 150 килограмм кўмир сарфланди.



ЭНГ ЕНГЛА...

Венгриянинг Печ шаҳридаги «Паннонавто» корхонаси мутахассислари жаҳонда энг енгил самолёт яратдилар. Унинг оғирлиги 150 кило бўлиб, соатиға 60 километр тезликда учади.

Реклама ва эълонлар 136-09-25

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАРХОДИЙ,
- И. ХУДОЕВОВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. КАШИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иجتимоий-саноий ҳаёт — 133-57-34;
- Ҳуқуқ — 136-07-94;
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Ҳаётлар — 136-29-89, 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва иجتимоий масалалар — 132-12-08;
- Ахборот, спорт ва харбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-III компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Ж. САЪДУЛЛАЕВ. Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ. Муасхих — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.20

1	2	3	4	5	6
---	---	---	---	---	---

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧОЙ ҚАДОҚЛАШ ФАБРИКАСИ

Сиз муҳтарам харидорларга энг юқори навли сиз севган, сиз билган чой маҳсулотларини тақдим этади.

Энг яхши ва аъло сифатли ҳинд ва хитой хомашёсидан тайёрланган

тўқсон бешинчи, бир юз ўнинчи, уч юзинчи ва ўттиз олтинчи ЧОЙЛАР

фақатгина Ватанимизда эмас, балки чет элларда машҳур ва севиб истеъмол қилинади.

Маҳсулотларимизнинг сифати мамлакатимизда ягона, махсус дипломи титестерлар томонидан тасдиқланган.

Нархлар маҳсулотнинг нави ва қадоқланишига қараб, кўк чойнинг 1 килограмми 920 сўмдан 1065 сўмгача; қора чой 1030 сўмдан 1140 сўмгача.

Улғурхи харид қилувчилар учун манзил Самарқанд ш., Берулий к., 117-уй. Телефонлар: Самарқандда (3662) 29-26-42, 29-47-02. Тошкентда - (3712) 41-15-82, тел/факс 41-21-71.

Самарқанд чойини ичиб роҳатланинг!

Ўзбекистон хотин-қизлар Кумитаси Тошкент вилояти ҳқини ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Отқоновна Хужаевага палари бузрукворини Отаҳон ЖУМАНИЕВОВ нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.	Физика-Кўеи илмий-ишлаб чиқариш бир-лашмаси жамоаси Физика-техника институтини лаборатория мудирини, профессор С.Шомиравга волидан муҳтарамаси Халидахон ая ШОМИРЗАЕВ нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади.
Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт институтини ректорлигини, клиника ва жамоат ташкилотлари «Оператив жарроҳлик ва топография анатомия» кафедраси жамоаси шу кафедранинг мудирини, тиббиёт фанлари докторини, профессор Н.Шомирзаева онаси Халидахон ая ШОМИРЗАЕВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.	Тошкент вилоят адвокатлар хайъати жамоаси Тошкент тумани юридик маслаҳатхонаси адвокатини Аҳмадхужа Исмонловга волидан муҳтарамаси Тоҳира ая ИСМОИЛОВА нинг вафот этилганлиги муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади.
Ихтисослаштирилган Акциядорлик-Тижорат «Пахта-банк» бошқаруви, касаба уюшмаси ва жамоаси банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Х. Жумаевага волидан муҳтарамаси Чини аянинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.	Ихтисослаштирилган Акциядорлик-Тижорат «Пахта-банк» бошқаруви, касаба уюшмаси ва жамоаси банкнинг тиббий ёрдам кўрсатиш пунктини мудирини Ш. С.Машраповага укаси Дилшоджон АКБАРОВ нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.